

Божхонага оид қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик: миллий ва хорижий тажриба

Мамлакатимизда бозор муносабатларининг ривожланиши ҳамда хорижий давлатлар билан иқтисодий муносабатларнинг жадаллашгани натижасида иқтисодиёт соҳасида солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, контрабанда товарларни олиб кириш каби жиноятлар ҳам учраб турибди. Шу муносабат билан мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган янги қонунлар қабул қилиш, иқтисодиёт ва божхона соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини такомиллаштириш ҳамда ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда божхона соҳасида олиб бориладиган ислоҳотлар натижаси бугунги кунда ўзининг самарасини бериб келмоқда. Божхона қонунчилигини бузиш иқтисодий барқарорликка бевосита салбий таъсир қилади. Шу боис божхона соҳасидаги қонунлар ижросини таъминлаш, уларни амалиётга самарали татбиқ этиш борасида судлар изчил фаолият юритмоқда.¹

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан товар-моддий бойликлар ва контрабанда ашёларининг ноқонуний айланиши, ташқи иқтисодий фаолият соҳасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликларни фош этиш, уларнинг олдини олиш, келиб чиқишига олиб келувчи сабаб ва омилларни

¹ Олий суд пленуми мажлиси. Н.Абдураимова. <http://uza.uz/> 06.09.2013

таҳлил қилиш, шунингдек мазкур йўналишдаги уюшган жиноий гуруҳларнинг фаолиятига чек қўйиш борасида мақсадли тадбирлар амалга оширилиб келмоқда. Давлат божхона хизмати органлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда амалга оширган тадбирлар натижасида 2016 йилда 19 мингдан ортиқ ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, 68 млрд сўмлик товар-моддий бойликлар олиб қўйилган. Аниқланган ҳолатларнинг 581 таси бўйича жиноят ишлари қўзғатилди.²

Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва Жиноят кодекслари билан тартибга солинади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 227-моддасидан 227²⁷- моддасига қадар божхона қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик масалалари белгиланган. Жиноят кодексининг 182-моддаси божхона қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик масалаларини белгилайди.

Жиноят кодексининг 182-моддаси бўйича божхона қонунларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, товар ёки бошқа қимматликларни кўп миқдорда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш, шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан

² Божхона органлари контрабандага қарши. Солиқ ва божхона хабарлари. [Газета](#) СБХ / 2017 год / № 07.
<http://gazeta.norma.uz>

кейин содир этилган бўлса,³ шунингдек ушбу моддада кўрсатилган бошқа жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда юзага келади.

Божхона назорати зонаси режимининг бузилиши, божхона чегарасини кесиб ўтганлик тўғрисида ёки товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш мақсади тўғрисида божхона органига хабар бериш тартибини бузиш, товарлар ва транспорт воситаларини етказиб берилган жойда кўрсатмаслик ҳамда уларнинг ҳужжатларини топширмаслик, товарлар, транспорт воситалари ва уларнинг ҳужжатларини божхона органининг рухсатисиз бериш, уларни йўқотиш ёки етказиб бермаслик, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш тартибини бузиш, божхона расмийлаштируви тугалланмаган товарлар ва транспорт воситалари билан ғайриқонуний операциялар, шунингдек божхона органининг рухсатисиз юк операциялари ва бошқа операциялар ўтказиш, товарлар ва транспорт воситаларини декларациялаш тартибини бузиш, божхона органига ҳисоботларни тақдим этмаслик ва ҳисоб-китоб юритиш тартибига риоя қилмаслик, товарларни декларацияламаслик ёки нотўғри декларациялаш, божхона тўловлари бўйича қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун жавобгарлик⁴ каби ҳолатлар учун эса Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг юқорида берилган моддалари бўйича тартибга солинади.

Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик масалаларида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси,

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 1-модда

⁴ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 1-модда

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган нормаларни қўллашда халқаро нормаларни устунлиги таъминланади. Чунки миллий қонунчилигимизда халқаро ҳуқуқ нормаларини устунлиги назарда тутилган. Агарда халқаро ҳуқуқ нормаларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса миллий қонунчилигимизга кўра квалификация қилинади. Амалдаги қонунлар, халқаро шартномалар ёки битимларга мувофиқ чет эл фуқароларининг жавобгарлиги тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси судларига тегишли бўлмаса, улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят содир этган ҳолда, халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ҳал қилинади.⁵

Халқаро ҳуқуқнинг умум тан олинган норма ва принциплари дунёдаги деярли барча давлатлари томонидан эътироф этилган ва уларнинг миллий ҳуқуқий тизимларида акс этилган.⁶

Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик масалаларида миллий қонунчилигимизни халқаро умумэътироф этилган нормалар асосида, амалдаги ташкилий-ҳуқуқий тизимлар тайёргарлигини, ратификациялар, тасдиқловлар, имплементациялар, халқаро шартномаларни тўхтатиб туриш ва денонсация (рад) қилиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш, хорижий илғор тажриба ҳамда халқаро амалиётни инобатга олган ҳолда халқаро шартномаларни инвентеризация қилиш бўйича қўлланма ишлаб чиқиш, Давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро даражадаги халқаро шартномаларни тўлиқ

⁵ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 1-модда

⁶ Маткаримова Г. Халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон ҳуқуқий тизими. Т.Т.ДЮИ. 2002. Б.51

инвентаризациясини ўтказиш, халқаро шартномаларни сертификатлаш, халқаро шартномалар қоидаларини амалга ошириш бўйича процессуал механизмларини ишлаб чиқиш, халқаро шартномалар соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурлиги ҳақида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари ходимлари учун Халқаро шартномаларни инвентаризациядан ўтказиш ва сертификатлаш, шунингдек уларни амалга оширилиши устидан назоратни йўлга қўйиш усуллари бўйича қатор ўқув семинарларини ташкил этиш.

Хулоса ўрнида шунини айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI асрга интилоқда” асарида белгилаб берган бешта устувор йўналишининг бирида айтиб ўтилганидек, божхона органлари учун ҳам бир қатор муҳим ва мураккаб вазифалар келиб чиқарган. Хусусан, мамлакатимиз божхона чегаралари дахлсизлигини таъминлаш, юртимизга нотинчлик солувчи қурол-яроғ, гиёҳванд моддалар, қолаверса ғараз ниятли шахслар ва бузғунчи ғоялар йўлига, диний ақидапарастлик ва экстермизм йўлига қатъий тўсиқлар қўйиш – божхона ходимларининг энг маъсулиятли вазифаси, ватан олдидаги муқаддас бурчидир.